


**Мафтуна АҲМАТОВА**

# **МЕНИНГ ДУНЁМ**




Қарши  
«Насаф» нашриёти  
2009

84(54)6-5 ўзб. араб.

Ҳар бир кишининг ўз олами, ўз дунёси  
мавжуд. У ўша ўз «дунё»сининг танҳо  
хукмрони.

Умидли ёш қаламкаш ўз «дунёси»да кўрган-  
кечирган, ҳис этган, англаб етган воқелигини  
қаламга олган.

НО 35378  
081



А 4702620202-38 38- 2009

376(05)2009



М. Ахматова, 2009 й.

ISBN-978-9943-359-13-0

## **ВАТАНИМ ВА ОНАМ**

Ватанимни мен аввал,  
Ўз уйимдан бошладим.  
Онам ҳам Ватан дея,  
Унга назар ташладим.

Ватан ва она сўзи,  
Бир-бирига яқин сўз.  
Тинчлик ва поклик эса  
Кулиб турган икки кўз.

## **ЎЗБЕГИМГА ОМАД ЁР**

Ҳар томонда пахтазор,  
Кенг дала, тоғлар бисёр.  
Юртбошидан миннатдор-  
Ўзбегимга омад ёр.

Чегаралар баланд тоғ,  
Жанубида Яккабоғ.  
Яшар халқи бахтиёр,  
Ўзбегимга омад ёр.



## ЯККАБОҒ

Юртимнинг Яккабоғи,  
Дунёда йўқ гўзал жой.  
Она замин тупроғи,  
Шифобахш мевага бой.

Пахтазор этагидан,  
Бошланади даласи.  
Қир-адир этагидан,  
Кўринар тоғ лоласи.

Туриб саҳар тонгида,  
Тоғни кўраман яқин.  
Беғубор кўринар тоғ,  
Ҳавоси эса сокин.

Қуёш чиқишин алҳол,  
Азизлар, кўрганмисиз?  
Темур бобом юртини,  
Тарихдан сўрганмисиз?

Асқар Холмуродовдек,  
Олим яшаган унда.  
Бекмуроду, Фарҳодлар,  
Саҳнада ойда, кунда.

Богин айтсам бетакрор,  
Эрам билан беллашар.  
Темур ғорини кўринг,  
Аср билан юзлашар.

## УЛУҒЛАЙМИЗ

Ватан учун қалқон бўлган,  
Бирлашиб бир жону тан бўлган,  
Халқи учун қурбон бўлган,  
Боболарни улуғлаймиз.

Ёвни яқин йўлатмаган,  
Орини ёвга сотмаган.  
Аждодлирим Тўмарисдек-  
Момоларни улуғлаймиз.

Улуғлаймиз сизни ҳар вақт,  
Қадрлашга шу кун фурсат.  
Аскарлардек ичганда онт,  
Аскарларни улуғлаймиз.



## ОНА ЗАМИН

Ерга берсанг меҳрни,  
Ер ҳам бошинг силайди.  
Ишонмассан балки сен,  
Не берсам деб ўйлайди.

Она замин бағри кенг,  
Ёмонликни билмайди.  
Бу оқ, у одам қора-  
Дея бағринг тилмайди.

Шундай экан ҳақиқат,  
Она қандай айирсин.  
Боласининг қанотин,  
Нега ахир қайирсин?

Она, замин эгиздир,  
Булар ўхшаш негиздир.  
Меҳнат қилган деҳқоннинг-  
Меҳри ерга чексиздир.



## БОЛАЛИК

Болаларга роҳатбахш,  
Оналарнинг алласи.  
Подшоҳликка ёт қиёс,  
Айни гўдак палласи.

Биринчи июнь куни,  
Болалар қилар байрам.  
Қувончлари бир жаҳон,  
Бўлмасин кўзлари нам.

Боласи кўп хонадон,  
Гўё гулу гулистон.  
Болаларсиз уй асли,  
Бўлар экан зимистон.

Боласи йўқ оналар,  
Худога қилар нола.  
Меҳрибонлик уйидан,  
Болалар кутар она.

Меҳрин дариг тутмаган  
Шомурод ота қайда?  
Айни уруш замона,  
Болалар ҳам ҳар жойда.

Ҳозир тинч замонани,  
Қадрига ҳам етайлик.  
Болалар гулдек кулган,  
Чаман барпо етайлик.

Чаманда биз гул бўлсак,  
Бир боғ бўлсин оталар.  
Айни биз улғайганда,  
Боғбон бўлсин оналар.

\* \* \*

Мен биламан Бобур, Алишер,  
Етти ёшдан ёзган ғазал, шеър.  
Улар берди халқимга ғурур,  
Мен улардек бўлгим келади.

Бўлсам агар Зулфия каби,  
Бўстон бўлар уларнинг таъби.  
У яратди қизлар мактабин,  
Шу инсондек бўлгим келади.

\* \* \*

Ҳаракатда баракат,  
Инсонга яхши одат.  
Шу шиор эгалари,  
Доим бўлур саломат.

Изланинг, ҳеч эринманг,  
Мен зўрман деб керилманг.  
Керилишлар ортиқча,  
Сиз мақтовга берилманг.



## **ИЛҲОМ ПАРИСИ**

Илҳом париси бу-илоҳий пари,  
Тинчитмайсан мени улғайган сарим.  
Ахир гўдакманку, келмасми малол,  
Ўтолмайман фақат шу гапдан нари.

Ақл ёшда эмас, бошда дейсан-да,  
Ёзган шеърларим - кулган гулдаста.  
Барчанинг дилига нигоҳинг тикиб,  
Қалбим эгаллаган ғазал, куйсан-да.

Илҳом парисисан, қалбим ўғриси...

## **БУВИМ ЎЗИ ФАРИШТА**

Катта бувим меҳнаткаш,  
Ўрган ҳар бир меҳнатин.  
Халқ ичида ҳурматда,  
Эл билади хизматин.

Онам берар насиҳат,  
Бувим тушди ёдимга.  
Ҳар борганда меҳр-ла,  
Парвонадир ёнимда.

Қандми, майиз ё ҳолва,  
Берар менга яшириб.  
Сўнгра кетар чоғимда,  
Пул ҳам берар чақириб.

Овқатларини айтсам,  
Бирам ширин, хўп маза.  
Келинг, бир татинг сиз ҳам,  
Роҳатланасиз жуда.

Бувим уйи саришта,  
Чунки ўзи фаришта.  
Омад тилайди менга,  
Дуо қилиб ҳар ишда.

### **АҲИЛЛИК**

Тоғ ортидан қуёш бобо,  
Чиқиб келади аста.  
Иситиб ер юзини,  
Ўраб олар бир пасда.

Кеч тушганда  
Отдан тушиб,  
Ҳориб уйга қайтади.  
Оймомо ва болаларин,  
Навбатини айтади.

Улар ҳасаддан холи,  
Ўзаро аҳил, иноқ.  
Ота-онам мисоли,  
Меҳри қуёшдай қайноқ.



## **ҚАБУЛ ЭТ, ШЕЪРИЯТ**

Илк қадамим остонангда,  
Айлансам гар бўстонингда.  
Етсам дейман осмонингда,  
Мени қабул эт, шеърият.

Бор бисотим сўзим менинг,  
Қалам, қоғоз кўзим менинг.  
Шеърни ёзган ўзим менинг,  
Мени қабул эт, шеърият.

Шеърлар ёзсам қалбим бўшар,  
Орзулардан гилам тўшар.  
Бағри тошнинг кўнгли юмшар,  
Мени қабул эт, шеърият.

Қилдим ёшлиқдан бир ният,  
Шогирдингман эй Муҳаммад.  
Замондошмиз, бу ҳам омад,  
Мени қабул эт, шеърият.

## **ЯНГИ ЙИЛ**

Айни қиш чилласида  
Биз қорбобо ясадик.  
Биз уни уйга чорлаб,  
Сўнг арчани безадик.

Янги йилнинг гашти бор.  
Байрам ичра ўзгача.  
Совғалари бир жаҳон.  
Улашади барчага.



\*\*\*

Баҳор фаслин келинчакка,  
Ўхшашлиги рост экан.  
Фақат фарқи келиндан-  
Баҳор бепардоз экан.

Гуллар япроғин узиб,  
Шўх шаббода сочқилар.  
Майин шаббода эсиб,  
Мажнунтолни тортқилар.

### БАҲОР

Дала-даштга тўшалди,  
Яшил гилам.  
Бодом оппоқ гуллади,  
Мисоли санам.

Ранг олгандир бойчечак,  
Куёш рангидан.  
Қани дўстлар баҳра олинг,  
Баҳор тонгидан.

Болаларга ярашган,  
Варрак ўйини.  
Қушлар гўё сайрашар,  
Шодлик куйини.



## БАҲОР КЕЛИБ...

Шўх баҳорнинг элчиси,  
Бойчечак ҳам очилди.  
Сўнгра барча дилларга,  
Гул ифори сочилди.

Сочилди гул райҳонлар,  
Майсаларга бериб нақш.  
Дарахтлар гуллаган дам,  
Қаранг, қандай ҳаётбахш.

Келгин баҳор, куйга сол,  
Шарқираб сув ўйнасин.  
Ариқларда кема қилиб,  
Ёш болалар ўйнасин.

Ўйнасин тинч Ватанда,  
Бундай жаннат қайда бор?  
Ўхшар мисли чаманга,  
Ёшу қари бахтиёр.

\* \* \*

Баҳорнинг ўзгача таровати бор,  
Ташвишли юмушнинг фароғати бор.  
Инсонга бир бора берилар умр,  
Ёшликнинг ҳам ўзгача садоқати бор.

\* \* \*

Ёмғир ёғди тонггача,  
Ташқарида кучукча  
Тинмай ғингшиб йиғлади,  
Қийин бўлди шу кеча.

Уйча қурдим итимга,  
Шамол тегиб кетмасин.  
Ёмғирларни силкитиб,  
Унга сепиб кетмагин.

## **КУНГАБОҚАР**

Кунгабоқар,  
Кулиб боқар.  
Очиб кўрсам,  
Мағиз чиқар.

Мағзи ширин,  
Бизга ёқар.  
Катта кичик.  
Севиб чақар.

Чарчамаймиз,  
Чақиб уни  
Қуёшга у  
Жондек ини.

## **МУСИЧА**

Беозор қушим,  
Беғубор қушим-  
Мусичагинам,  
Дон сочсам келмас.

Ўғирлик қилмас,  
Мусичагинам.  
Фаришта қушим,  
Саришта қушим-  
Мусичагинам.



## КЎНГЛИМ ТЎҚ

Расм дарсида устоз,  
Филни чиз, деб қолдилар.  
Танаффусда расмни  
Йиғиштириб олдилир.

Қулоғидан кўнглим тўқ,  
Оёқлари ўхшади.  
Кўзи-чи, кўзи бироқ  
Бир-бирига тўқнашди.

Хартумини айтсам гар,  
Фирт ўхшайди туёққа.  
Ўқитувчим буни кўриб,  
Кел-чи, деди буёққа.

Бу нима ўзи дея  
Ўхшаб қопти бузоққа.  
Шундай чизсанг филни сен,  
Боролмайсан узоққа.

Устоз, мени кечиринг,  
Расмга уқувим йўқ.  
Шеърни сўранг, айтайин,  
Хотирамдан кўнглим тўқ.



## **БОБОМ ҲОВЛИСИ**

Бобомнинг ҳовлиси,  
Жуда чиройли.  
Кундузи қуёшли,  
Кечаси ойли.

Бир ариқ сув оқар,  
Ҳовлини кесиб.  
Яйраб ўйнаймиз,  
Кулча оқизиб.

Олманинг шохлари  
Сувга тегибди.  
Чиройли олмалар  
Оқиб келибди.

## **ТАНДИР**

Момом ва бувам  
Тандирни қурди.  
Тоғамиз унга  
Лой ташиб турди.

Аямиз чаққон,  
Оловни ёқди.  
Чўғини тортиб,  
Патирни ёпди.

Оҳ қандай ширин,  
Патир жиззали.  
Сиз ҳам еб кўринг,  
Роса маззали.

## Ўйин

Бувим берди тилла ковуш,  
Биз ўйнадик уруш-уруш.  
Укам қилди менга юриш,  
Мен укамни қулатдим.

От ҳам бир тол чўп эди,  
Синглим унда бек эди.  
Ўқусираб тўп тегиб,  
Синглимни ҳам ўйғотдим

Ғолиб бўлдим жангда ҳам,  
Дармон қуриб танда ҳам.  
Ўтириб беҳол, беғам,  
Сўнгра ўзим ухлабман.



|         |                            |
|---------|----------------------------|
| 2009/29 | Alisher Navoiy<br>nomidagi |
| A650    | O'zbekiston MK             |

## РАҲМИМ КЕЛАДИ

Ола-була Бароқвой,  
Хур-хур қилиб ухлайди.  
Уни ухлашин кўриб,  
Мени хаёл чулғайди.

Тушида ўйнаб Бароқ,  
Сичқон-ла аҳил, иноқ.  
Ёки ушлаб сичқонни,  
Қилар ундан беш бармоқ.

Гоҳ қувалаб ушлагач,  
Ўйнаб-ўйнаб тишлайди.  
Чарчаб, ҳориб уни сўнг,  
Қорни учун хушлайди.

Бечора сичқончага,  
Менинг-чи раҳмим келар.  
Ўйнаганча сичқонни,  
Бароқвой мазза қилар.



## **СИЗНИ ТУШУНДИМ**

Дадам донгдор фермерлар,  
Ойим уларга ҳисобчи.  
Улар ишдан келгунча,  
Мен укаларимга бошчи.

Кичик бўлиб бола қараш,  
Қийин экан одамга!  
Шўхлик қилсак бизлар гар,  
Тўзим берсин онамга.

Она, сизни тушундим,  
Мен ишларни беш қилдим.  
Сиз ишдан то келгунча,  
Чарчаган, деб ош қилдим.



## МАТЕМАТИК ТОПИШМОҚ

Муғомбир ва соддадил  
Кўприкда учрашибди  
Соддадилни у авраб-  
Фойда, деб тиришибди.

-Бу сеҳрли бир кўприк,  
Ўтсанг пулинг кўпаяр.  
Ҳар ўтганда икки карра,  
Чўнтакларинг қаппаяр.

Лекин бор арзу ҳолим:  
Эвазига ҳар ўтгач-  
Қирқ саккиз сўм берасан,  
Кўнсанг қайтиб келарсан.

Соддадил ўтди уч бор,  
Қирқ саккиз сўмдан берди.  
Учдан сўнг чўнтак қуруқ,  
Сўппайиб ўзи турди.

Қани ўйлаб топингиз,  
Соддадилда неча сўм-  
Бўлганлигин айтингиз.

Жавоб (42)



\*\*\*

Дангасага теккан дард  
Иш буюрса оғриниб,  
Ундан оғир касал йўқ.  
"Бор, ўйнаб кел," десангиз,  
Касалидан асар йўқ.

Уйда, дарсда, ҳар ишда,  
Туянинг орт оёғи.  
Ўзин билмасга олар,  
Дангасалик маёғи.

Бўлар бола бошидан,  
Элимда бор шу нақл.  
Дангаса болаларга,  
Худо берсин-да ақл.



## КЕЛИШУВ

Товуқ  
Овозинг бунча совуқ.  
Тиним билмай қақиллаб,  
Дон терасан лўкиллаб.

Курт-кумурсқани ейсан,  
Қаққиллаб нима дейсан?  
Овозинг жонга тегди,  
Оёғинг ниҳол эзди.

Кел, келишиб олайлик,  
Шартни қабул этайлик.  
Егин сепган донимни,  
Кўп чиқарма жонимни.

Ҳовлимни оралама,  
Мевани саралама.  
Тухум берасан сават,  
Шартимга кўн, шу фақат.

Сен шартимга кўнмасанг,  
Яхшиликни билмайсан.  
Оқибатини-ёмонлик,  
Бўлсин доим омонлик.



## МУНДАРИЖА

|                                  |    |
|----------------------------------|----|
| Ватаним ва онам.....             | 3  |
| Ўзбегимга омад ёр.....           | 3  |
| Яккабоғ.....                     | 4  |
| Улуғлаймиз.....                  | 5  |
| Она замин.....                   | 6  |
| Болалик.....                     | 7  |
| «Мен биламан Бобур, Алишер»..... | 8  |
| «Ҳаракатда баракат».....         | 8  |
| Илҳом париси.....                | 9  |
| Бувим ўзи фаришта.....           | 9  |
| Аҳиллик.....                     | 10 |
| Қабул эт, шеърят.....            | 11 |
| Янги йил.....                    | 11 |
| «Баҳор фасли келанчакка».....    | 12 |
| Баҳор.....                       | 12 |
| Баҳор келиб.....                 | 13 |
| «Баҳорнинг ўзгача...».....       | 13 |
| «Ёмғир ёғди...».....             | 13 |
| Кунгабоқар.....                  | 14 |
| Мусича.....                      | 14 |
| Кўнглим тўқ.....                 | 15 |
| Бобом ҳовлиси.....               | 16 |
| Тандир.....                      | 16 |
| Ўйин.....                        | 17 |
| Раҳмим келади.....               | 18 |
| Сизни тушундим.....              | 19 |
| Матеметик топишмоқ.....          | 20 |
| «Дангасага теккан дард».....     | 21 |
| Келишув.....                     | 21 |

**Адабий бадий нашр**

**Мафтуна АҲМАТОВА**

Муҳаррир: 3. Омонова.  
Техник муҳаррир: Ч. Раҳмонов.  
Мусахҳиҳ: 3. Очилова.  
Бадий безакчи: Ш. Холмуродава.

ИБ 1263

Теришга 9.04.2009 йилда берилди. Босишга 14.05.2009 йилда рухсат этилди. Бичими 84x108 <sup>1</sup>/<sub>32</sub>. Шартли босма табағи - 1,26. Шартли бўёқ - отт-1,32. Нашр босма табағи - 0,59. 10- 2009-шартнома. 19 - буюртма. 200 нусхада. Эркин нархда.

«Насаф» нашриёти, 180118, Қарши шаҳри, Мустақиллик шоҳ кўчаси, 22-уй.

Матбуот ва ахборот бошқармаси ҳузуридаги  
«Матбаа цехи»да чоп этилди. 180118,  
Қарши шаҳри, Мустақиллик шоҳ кўчаси, 22-уй.